

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

КИМЁВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ йўналиши

**“КИМЁ САНОАТИДАГИ
НАНОМАТЕРИАЛЛАР”**
модули бўйича

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

ТОШКЕНТ – 2017

Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 18 августдаги 4-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастури асосида тайёрланди.

Тузувчилар: **З.Ч. Қодирова** – Тошкент кимё-технология институти, “Силикат материаллар ва нодир, камёб металллар технологияси” кафедраси доценти, т.ф.д.;
М.Х. Арипова – Тошкент кимё-технология институти, “Силикат материаллар ва нодир, камёб металллар технологияси” кафедраси мудири, т.ф.д., профессор;
А.А. Абусаломов – Тошкент кимё-технология институти, “Силикат материаллар ва нодир, камёб металллар технологияси” кафедраси доценти, т.ф.н.

Чет эл эксперти: **Enrico Bernardo** – Падуя Университети, “Индустриал инженерия” факультети профессори.

Ўқув-услугий мажмуа Тошкент кимё-технология институти Кенгашининг 2017 йил 4 июлдаги 10-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.



UNIVERSITÀ
DEGLI STUDI
DI PADOVA

DIPARTIMENTO DI INGEGNERIA INDUSTRIALE

Prof Enrico Bernardo
Advanced Ceramics and
Glasses group
Via Marzolo, 9
35131 Padova

tel. +39 049 8275510
fax +39 049 8275505
enrico.bernardo@unipd.it

Administrative Office
via Gradenigo 6/a
35131 Padova
www.dii.unipd.it

tel. +39 049 8277500
fax +39 049 8277599
segreteria@dii.unipd.it

CF 80006480281
P.IVA 00742430283

To whom it may concern

***Expert Review on the Education Module “Innovative Technology of Composite Materials”,
prepared for the “Chemical technology” specialization on teachers retraining and educational courses***

Based on the proposed program, the Module “Innovative Technology of Composite Materials” is effectively devoted to the study of modern technologies in the production of composites. The module studies materials for matrices and fillers, with their properties and applications. Also the production technologies for polymer-matrix, ceramic-matrix and metal-matrix composites are included. Interestingly, I note that a special attention is paid to carbon-carbon composites and non-traditional composite materials such as Self-Reinforced composites, Biocomposites and Composites for Structural Design.

Based on the information from colleagues, the Module consists of a theoretical part and practical tasks, includes the case studies for self-study programs, the glossary and the list of references. I agree on the fact that the preparation of a glossary, containing reviews in both Uzbek and English languages, will enhance the assimilation of the program.

I think that the module “Innovative Technology of Composite Materials” can be used for educational purposes on teachers retraining and educational courses.

Yours sincerely,

Enrico Bernardo, PhD
Associate Professor
Università degli Studi di Padova
Dipartimento di Ingegneria Industriale
Edificio Ex Fisica Tecnica
Via Marzolo, 9
35131 Padova, Italy
phone +39 049 8275510
fax +39 049 8275505
e-mail enrico.bernardo@unipd.it
web <http://www.dii.unipd.it/bernardo>

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	5
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	12
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	24
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	83
V. КЕЙСЛАР БАНКИ	114
VII. ГЛОССАРИЙ.....	126
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	147

I. ИШЧИ ДАСТУР КИРИШ

Дастур ривожланган мамлакатлардаги хорижий тажрибалар асосида “Кимёвий технология” ўналиши бўйича педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш учун ишлаб чиқилган ўқув режа ва дастур мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг билимини ва касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Инновацион технологияларга асосланган иқтисодиётга ўтишни янада жадаллаштириш мақсадида ҳам ашёни дастлабки ишлов бериб ярим махсулот кўринишига эмас балки уни якуний тайёр махсулот даражасига етказиб янги турдаги белгиланган хусусиятли материалларни олишга эътиборни қаратиш лозим. Бунинг учун минерал ҳам ашёни чуқур қайта ишлашга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш зарур. Нанотехнология жараёнлари, физик-кимёвий асослари фанининг ўқув дастури янги шаклланиб бораётган нанотехнология ривожланишининг асосий йўналишлари ҳамда махсус масалаларни ҳал қилиш соҳаларидаги билимларни чуқурлаштиришга ва кўникмалар хосил қилишга қаратилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Кимёвий технология” йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курси ўқув дастурининг махсус фанлар блокига киритилган “Кимё саноатидаги наноматериаллар” модули ишчи дастурининг **мақсади** – нанотехнологиянинг асосий тушунчалари, нанотехнологиянинг тадқиқот объектлари ва уларнинг синфланиши, нанотехнологиянинг ривожланиш босқичлари, нанообъектларнинг асосий турлари ва улар асосидаги нанотизимлар, углеродли нанотрубкалар, фуллеренлар, супрамолекуляр кимё, ноорганик наноматериаллар; наноструктураланган материалларнинг синтез усуллари, фундаментал асослари тўғрисидаги маълумотларни қамраб олувчи билимлар тўғрисида назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

“Кимё саноатидаги наноматериаллар” фанининг **вазифаси** – нанотехнологияларга асосланган технологик ишлаб чиқаришларни режалаштириш ва ташкиллаштиришни; нанотехнологик жараёнлар ўтказилиши учун оптимал омиллар танлашни; наноматериалларни ишлаб чиқариш жараёнларидаги мавжуд долзарб амалий масалаларини ечиш учун янги технологияларни кўллаш, махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш; “Кимёвий технология” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлашдир.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларга қўйиладиган талаблар

“Кимё саноатидаги наноматериаллар” модули бўйича тингловчилар куйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- аноктивизмнинг кристаллофизикаси, наноструктуралар ва уларнинг симметрик ифодаси;
- электронларнинг энергетик спектри квант ушлов структураларида квант нуқталар, толалар, юқори даражали панжаранинг аҳамияти;
- холлнинг квант эффекти ва квант ўлчов структуралари оптик хусусиятларининг моҳияти;
- наноқатламли композицияларни магнит хоссалари, конденсацияланган мухитларда энергия ва зарядлар ўтказиш жараёнлари;
- нанозаррачаларни ўлчов ва функционал хоссалари;
- молекуляр динамика, конформация ва нанотизм симметрик тасвири;
- фазалараро чегараларни термодинамикаси ва кинетикаси, Кластер;
- мицеллалар ҳосил бўлиши, полимеризациялаш, матрица синтези, ўзаро шаклланиш;
- наноматериаллар: золлар, геллар, суспензиялар, коллоид эритмалар, матрица-ажратилган кластерли юқори даражадаги структуралар, фуллеренлар, углеродли нанотрубкалар, полимерлар, юқори даражали панжаралар, биомембраналар;
- нанотизмларни электр ўтказувчи, иссиқлик ўтказувчи ва механик хоссалари;
- нанокимёвий компоненталар: катализаторлар, сорбентлар, реакторлар;
- наноқатламлар синтези услублари: атом-молекуляр эпитақсия, молекуляр ва кимёвий конструкторлаш;
- Ленгмюр-Блоджетт молекуляр қатламлаш услуби, полианион молекуляр конструкторлаш;
- юқори даражада локалланган қопланиш, ажратиш ва моддаларни модификациялаш услублари ҳақида **билимларга** эга бўлиши;

Тингловчи:

- наноматериалларни махсус хоссалари, уларни физик-кимёвий табиатлари боғлиқликлари, танловчанлиги, энергия хажмлиги ва электрон хотирасининг моҳиятини билиши ва улардан фойдалана олиш;
- наноструктуралашган материалларни физик кимеси, кичик ансамблли молекулалар, молекулараро ўзаро таъсири ҳақида тасаввурга эга бўлиш;
- корпускуло-фотонли ва электрокимёвий нанотехнологиялар, нанозондли локал синтез ва моддани ажратиш, материал юзасини модификациялаш **кўникма ва малакаларини** эгаллаши.

Тингловчи:

- замонавий инновацион технологияларнинг имкониятларини намоиш қилиш тамойилларини ажратиб кўрсата олиш;
- технологик операцияларнинг инновацион технология жараёнларидаги ўрнини ва уларнинг характеристикаларини фарқлаш;
- керакли хусусиятларга эга бўлган наноматериаллар таркибини тузиш ва унинг физик-механик хоссаларини лойиҳалаштириш **компетенцияларни** эгаллаши лозим.

Модулнинг ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Кимё саноатидаги наноматериаллар” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

– маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

– ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Кимё саноатидаги наноматериаллар” фани умуммутахассислик фанлари мажмуасига тааллуқли бўлиб, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар ўрганишади. “Кимёвий технология” мутахассислиги бўйича киритилган “Кимё саноатидаги инновацион технологиялар” ва “Композицион материалларнинг инновацион технологиялари” билан узлуксиз боғлиқ бўлиб, ушбу модулларни ўзлаштиришда амалий ёрдам беради. “Кимё саноатидаги наноматериаллар” модулини тўлиқ ўзлаштиришда ва амалий вазифаларни бажаришда “Муҳандислик технологиясида тизимли таҳлил асослари (кимёвий технология)”, “Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш”, ҳамда “Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари” модуллари ёрдам беради.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

“Кимё саноатидаги наноматериаллар” модули қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишини “Кимёвий технология” мутахассислиги бўйича махсус модуллардан дарс берувчи профессор ўқитувчилар учун муҳим ўринни эгаллайди. Ушбу модул олий таълим муассасаларида талаба ва педагоглар томонидан ўқув-илмий ишларини олиб бориш учун асосий назарий ва амалий билимларни беради.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат				
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси			Мустақил таълим
			Жами	назарий	амалий	
1.	Кириш. Нанотехнологиянинг асосий тушунчалари. Фаннинг предмет ва вазифалари. Нанотехнологияларнинг ривожланиш тенденцияси. Нанотехнологиялар тўғрисида умумий маълумот. Нанообъект, наноматериал, нанотехнология тушунчаси.	4	4	2	2	
2.	Нанообъектларнинг асосий турлари ва улар асосидаги наносистемалар. Нанозаррачалар ва наноматериаллар хусусиятларининг физикавий сабаблари. Нанообъектлар таснифи.	6	4	2	2	1
3.	Наноструктураланган материалларни синтез усуллари. Нанозарралар, нанокукунларни синтез қилиш усуллари. 0-D нанообъектлар. 1-D нанообъектлар. Углеродсиз нанотрубкалар.	8	4	2	2	1
4.	2D-Наноструктураланган материаллар ва углеродли наноматериал синтез усуллари. 2-D Нанообъектлар (юпқа пленкалар). Фазали эпитаксия. Углеродли наноматериаллар. Углевородли наноматериаллар синтези. Углевородли наноматериалларнинг ишлатилиши.	8	4	2	2	1
5.	Наноматериаллар ва унинг физик-кимёвий тахлил усуллари. Сканерловчи тунелли микроскоп (СТМ) ишлаш принциплари. Атом - кучланишли микроскоп (сканерловчи кучланишли микроскоп) АСМ. Нанотехнологик зондли машиналар.	6	4	2	2	1
	Жами:	24	20	10	10	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Кириш. Нанотехнологиянинг асосий тушунчалари.

Фаннинг предмет ва вазифалари. Нанотехнологияларнинг ривожланиш тенденцияси. Нанотехнологиялар тўғрисида умумий маълумот. Нанообъект, наноматериал, нанотехнология тушунчаси. Кимё ва материаллар. Белгиланган хоссали наноматериаллар олишда илм-фан ва техника ютуқларини тадбиқ қилиш.

2-мавзу: Нанообъектларнинг асосий турлари ва улар асосидаги наносистемалар.

Нанозаррачалар ва наноматериаллар хусусиятларининг физикавий сабаблари. Нанообъектлар таснифи. Фуллеренлар. Углеродли трубклар. Супрамолекуляр кимё. Ноорганик наноматериаллар. Вискерлар. Манганитлар. Юқори хароратли ўта ўтказгичлар. Фотон кристаллари. Биокерамика. Наноолмослар. Газли гидридлар. Газлардаги кластерлар.

3-мавзу: Наноструктураланган материалларни синтез усуллари.

Нанозарралар, нанокукунларни синтез қилиш усуллари. Газфазали синтез (буғларнинг конденсацияси). Плазмакимёвий синтез – лазерли абляция. Коллоид эритмалардан чўктириб олиш – зол-гел жараён. Молекуляр-боғламли эпитакия, газфазали эпитакия, сувоқ фазадан эпитакия. 0-D нанообъектлар. 1-D нанообъектлар. Углеродсиз нанотрубклар.

4-мавзу: 2D-Наноструктураланган материаллар ва углеродли наноматериал синтез усуллари.

2-D Нанообъектлар (юпка пленкалар). Фазали эпитакия. Углеродли наноматериаллар. Углеводородли наноматериаллар синтези. Углеводородли наноматериалларнинг ишлатилиши.

5-мавзу: Наноматериаллар ва унинг физик-кимёвий таҳлил усуллари.

Электрон микроскоп. Сканерловчи тунелли микроскоп (СТМ) ишлаш принциплари. Атом - кучланишли Микроскоп (сканерловчи кучланишли микроскоп) АСМ. Нанотехнологик зондли машиналар.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: Кристалл наносистемалар ва уларни ахамияти. Нанотехнология ва электроника.

Заррачаларнинг чегараси. Заррачалар чегарасининг миграцияси. Мультиплет иккиламчи заррачалар. Дислокация. Жойлашиш дефектлари. Учкаррали тугун. Холл-Петч қонуни. Таъқиқланган чегаранинг кенглиги.

Молекуляр электроника. Ёруғлик диоди (LED). Майдон эффектли транзистор (FET). Юпка пленкали транзисторлар (TFT). Бир электронли транзистор (SET). Заряд боғланишли қурилма (CCD). Комплементар металоксидли ярим ўтказгич (CMOS). Гигантмагнит қаршилиги (GMR).

Оптоэлектроника. Фотолюминесценция. Фотон кристаллар. Фотоника. Юзаплазмон. Пьезорезистив эффект. Спинтроника (спин асосидаги электроника). Кубит. Квант компьютерлар.

2-амалий машғулот: Полимер наноматериал олиш ва уларни хоссаларни. Наноцеллюлоза. Биомиметика системаларни олиш ва уларни хоссалари.

Суюқ кристал. Шакл хотирали полимерлар. Наноцеллюлоза. Тўқимали инженерия. Биомослашувчанлик. Биомиметика. Электрон бурун. Электрон тил. Бот. Нанобот. Дориларни мақсадли етказиш. ДНК-чип.

3-амалий машғулот: Наноматериал олиш ва уларни хоссаларни.

Тагдан-тепага ва Тепадан пастга. Буғ фазасидан физикавий чўктириш (PVD). Плазма. Буғ фазасидан кимёвий чўктириш (CVD). Иссик изостатик преслаш (HIPing). Пиролиз. Учкунли плазмали пишириш (SPS). Тенг каналли бурчакли преслаш (ECAP). Механик қотишмалаш. Буғ-суюқлик-қаттиқ модда усули (VLS). Эпитаксия. Нанолитография. Fab. Аэрогел. Квант нуқталари. Бакминстер – фуллерен. Углеродли нанотрубка. Нанотолалар. Наноқобиклар. Наносимлар. Наноматериал. Наностержнлар. Вискерлар. Юпқа пленкалар. Мезоғовакли материал. Мультиқаватлар.

4-амалий машғулот: Нанометрология.

Атом-кучланишли микроскопия (AFM). Атом манипуляцияси. Нанолитография. Наноиндентификациялаш. Электрон микроскоп. Микрокантилевер. Сканирловчи яқин худудли оптик микроскопия (SNOM). Рентгенфотоэлектронспектроскопия (XPS). Ўта ўқазувчан квантинтерферометр (SQUID).

5-амалий машғулот: Наноматериалларнинг экологик хоссалари.

Ёқилғи элементи. Фотокатализ. Нанотехнология ва қурилиш материаллар.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Ўқитишни қўйидаги усулларини режада тутилган:

– мини-маърузалар ва сухбатлар (тадқиқотни мужассамлаштириш, ўрганишга қизиқишни кучайтириш);

– дидактик ва ролли ўйинлар, бахс мунозаралар (қоидаларга риоя қилишни ўрганиш, ҳамкорликни таъминлаш, логик хулоса қилишни шакллантириш);

– дискуссия ва диспутлар (орагмент ва далилларни аниқлаш, қўлок солиш ва солиштиришни шакллантириш);

– тренинг элементлари (позитив муносабатни шакллантириш).

Таълим беришда замонавий педагогик ва информацион-коммуникатив технологиялар услубларини қўллаш кўзда тутилган:

– назарий материаллар презентация шаклида ўтказишда замонавий компьютер технологияларни қўллаш режалаштирилган;

– амалий материаллар интерактив услублар ёрдамида бажарилиши режалаштирилган (кейс-стади, муаммоли вазиятлар, интервью ва б.).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Баллар
1	Кейс топшириқлари	2.5	1.5 балл
2	Мустақил иш топшириқлари		1.0 балл

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

«Ақлий хужум» (брейнсторминг) методи

Методнинг мақсади: амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш, ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш.

- Ақлий хужум вақтида иштирокчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қилади) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади. Ҳар бир гуруҳ ичида умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

Намуна: Ҳар қандай нано бирикмалари композитлар таркибини тузишда фойдаланилиши мумкин-ми?

Тўғридан-тўғри жамоали ақлий хужум – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гуруҳи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади. Ўқув гуруҳидаги ҳар бир тингловчи ушбу муаммога жавоб беради, ўз фикрини билдириб, далиллар келтиради.

Масалан:

1-тингловчи: Ҳар қандай наноматериаллар композитларда қўлланиши мумкин.

2-тингловчи: Йўқ, ҳар қандай наноматериалларда қўлланилиши мақсадга тўғри келмайди.

3-тингловчи: Асосан наноматериаллар таркибида 2 турдаги заррачалар қўлланилади.

“Венн диаграммаси” методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали фойдаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик

гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадilar;

- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадilar ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

Намуна 1:

“Нол-ўлчамли мустаҳкамлаштириш компонентлари” ва “Бир-ўлчамли мустаҳкамлаштириш компонентлари” мавзуси бўйича “Венн диаграммаси”.

Умумий жиҳатлари:

1. Композитларда мустаҳкамлаштирувчи вазифасини бажаради.
2. Композитларнинг термик бардошлигини оширади.
3. Композитларнинг мустаҳкамлигини оширади.
4. Композитларнинг қаттиқлигини оширади.



Намуна 2:

Углерод наноматериаллардаги таркиби бўйича “Венн диаграммаси”.



“КЕЙС – СТАДИ” методи

«Кейс-стади» инглизча сўз - (case – аниқ вазият, ҳодиса, study - ўқитиш). Бу метод аниқ вазият, ҳодисага асосланган ўқитиш методи ҳисобланади. Кейс- услуб (Case study) – бу реал иқтисодий ёки ижтимоий вазиятлар таърифини қўллайдиган таълим бериш техникасидир. Бунда вазият деганда бирон аниқ ҳодисанинг таърифи назарда тутилади. Гуруҳга ҳақиқий ахборот такдим этилиб (у ҳақиқий ҳодисага асосланган ёки ўйлаб чиқилган бўлиши мумкин), муаммоларни муҳокама қилиш, вазиятни таҳлил этиш, муаммонинг моҳиятини ўрганиб чиқиш, уларнинг тахминий ечимларини таклиф қилиш ва бу ечимлар орасидан энг яхшисини танлаб олиш таклиф этилади.

«Кейс - стади» методи бўйича ишлаш:

1. Якка тартибда ишлаш (умумий вақтнинг 30% си):

Вазият билан танишиш (матн бўйича ёки сўзлаб бериш орқали).

Муаммоларни аниқлаш. Ахборотни умумлаштириш. Ахборот таҳлили.

2. Гуруҳда ишлаш (умумий вақтнинг 50% си):

Муаммоларни ҳамда уларнинг долзарблиги бўйича кетма-кетлигини (иерархиясини) аниқлаш. Муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш. Ҳар бир ечимнинг афзал ва заиф жihatларини белгилаш. Муқобил ечимларни баҳолаш.

3. Якка тартибда ва гуруҳда ишлаш (умумий вақтнинг 20% си):

Муқобил вариантларни қўллаш имкониятларини асослаш. Ҳисобот ҳамда натижалар такдимотини тайёрлаш.

Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни камраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейс 1. «Наноуглерод» толалари билан мустаҳкамлаштирилган наноматериаллар юқори эластиклик модулига эга, шунинг учун улар химоялаш воситаларида кенг қўлланилади (бронежилетлар тайёрлашда). Аммо бундай композитларнинг термик бардошлиги паст кўрсаткичларга эга. Наноматериалларнинг термик бардошлигини қандай ошириш мумкин?

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгилаш(индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Янги наноматериалларнинг таркибини таклиф этиш (жуфтликлардаги иш).

Кейс 2. Наноматериаллари кимё саноатларда ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. Бироқ, улар Ўзбекистонга асосан четдан келтирилади. Ўзбекистонда наноматериаллар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун имкониятларни изланг.

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг, зарур билимлар рўйхатини тузинг (индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Наноматериал хом ашёсини тўплаш бўйича бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликда ишлаш).
- Наноматериаллар бозори истеъмолчиларини изланг.
- Бажарилган ишларни тақдимот қилинг.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчилар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган таркатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намоёниш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Композицион материал	Ишлаб чиқарилган, икки ёки кўпроқ физикавий ва/ёки кимёвий хар хил бўлган, матрица (интерфейс) ичида тартибли жойлашган фазалардан ташкил топган материал.	
Матрица, интерфейс	Композицион материалнинг бир бутунлигини таъминловчи боғловчи компонент	

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

“SWOT-таҳлил” методи

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топиш, билимларни мустаҳкамлаш, тақрорлаш, баҳолаш, мустақил, танқидий фикрлаш, ностандарт тафаккурни шакллантириш.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

Намуна 1: Толали мустаҳкамлаштириш компонентлари учун SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Толали мустаҳкамлаштириш компонентларининг кучли томонлари	Мустаҳкамлиги энг юқори кўрсаткичларга эга бўлган композитларни яратиш имкониятлари...
W	Толали мустаҳкамлаштириш компонентларининг кучсиз томонлари	Толали мустаҳкамлаштирилган композитларнинг анизотроплиги...
O	Толали мустаҳкамлаштириш компонентларининг имкониятлари (ички)	Янги турдаги юқори хусусиятли толалар яратилмоқда – бор толалари, углерод толалари...
T	Тўсиқлар (ташқи)	Толали компонентлар матрица материаллари билан ҳўлланилиши ва араллишиши қийинлиги...

Намуна 2: Ёғоч-елим адгезияси учун SWOT таҳлилини амалга оширинг.

S	Кучли томонлари	<ul style="list-style-type: none"> • ёғоч юзасига елим текис тақсимланади; • елим ёғоч юзасига пуркаш, ролик билан суркаш, шпател билан суркаш, қуйиш каби турли усуллар билан берилиши мумкин; • очик ва ёпик ҳолатларда қотиши мумкин; • ион боғланишлар энг кучли боғланиш ҳисобланади.
W	Кучсиз томонлари	<ul style="list-style-type: none"> • очик ҳолатда қотганда эритувчини чиқариб юбориш керак; • елим ва ёғоч ўртасида мослашувчанлик бўлиши лозим; • дисперс боғланишлар энг кучсиз боғланиш ҳисобланади.
O	Имкониятлари (ички)	<ul style="list-style-type: none"> • ёғоч структурасига боғлиқ; • кимёвий боғлар ҳам, механик боғлар ҳам яхши адгезия

		бериши мумкин; • дисперсион, икки қутбли ва водород боғлари узилса намлик таъсирида қайта тикланиши мумкин.
Т	Тўсиқлар (ташки)	• ковалент боғлар узилса қайта тикланмайди; • дисперсия кучлар молекулалар орасида бўлганда жуда суст бўлади, атомлар орасида бўлганда эса жуда кучли ҳисобланади.

“Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу

Намуна 1:

Композицион материаллар					
Полимер матрицали		Металл матрицали		Керамик матрицали	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса:					

Намуна 2:

Алтернатив ёқилги турлари					
Фанера		MDF		OSB	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса:					

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

– қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

– ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



– иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна 1.

Фикр: “Полимер матрицали композитлар энг юқори физик-механик ва кимёвий хоссаларга эгадир”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

Намуна 2: Қуйидаги фикрни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

Фикр: “Елимланган материалда елим ва ёғочнинг бир-бирига мослашувчанлиги катта аҳамиятга эга”.

Сабаб: “Елим ва ёғоч бир бирига адгезияси юқори бўлса, елим ёғочга мос бўлади”.

Мисол: “Карбамид-формальдегид елимларининг ёғочга адгезияси юқори бўлади, чунки уларда метилол гуруҳлари ва ёғочдаги гидроксил гуруҳлари билан кучли боғлар ҳосил бўлади”.

Умумлаштириш: “Карбамид-формальдегид елимлари асосидаги елимланган ёғоч материалларида метилол гуруҳлари ва ёғочдаги гидроксил гуруҳлари билан кучли боғлар ҳосил қилиши сабабли адгезия юқори бўлади”.

Синквейн методи

“Синквейн” – тингловчини ижодий фаоллаштиришга, фаолиятни баҳолашига йўналтирилган таълим машқи ҳисобланади. Синквейн-французча сўздан олинган бўлиб, бешлик деган маънони билдиради. “Синквейн” методини амалга ошириш босқичлари:

1. Ўқитувчи талабаларга мавзуга оид тушунча, жараён ёки ҳодиса номини беради.

2. Талабалардан улар ҳақидаги фикрларини қисқа кўринишда ифодалашлари сўралади. Яъни, шеърга ўхшатиб 5 қатор маълумотлар ёзишлари керак бўлади.

У қуйидаги қоидага асосан тузилиши керак:

1-қаторда мавзу бир сўз билан (одатда от билан) ифодаланади.

2-қаторда мавзуга жуда мос келадиган иккита сифат берилади.

3-қаторда мавзу 3та ҳаракатни билдирувчи феъл билан фойдаланилади.

4-қаторда темага доир муҳокама этувчиларнинг ҳиссиётини ифодаловчи жумла тузилади. У тўрт сўздан иборат бўлади.

5-қаторда мавзунинг синоними ифодаловчи битта сўз берилади. У мавзунинг синоними бўлади.

Намуна: “Матрица” сўзига синквейн тузинг.

1. Матрица.
2. Боғловчилик хусусияти.
3. Хажм бўйича тенг тақсимланган.
4. Композитнинг бир жинслилигини таъминлайдиган керамик ёки металл материал.
5. Компонент.

“Кластер” методи

Фикрларнинг тармоқланиши “Кластер” - бу педагогик стратегия бўлиб, у тингловчиларни бирон бир мавзуни чуқур ўрганишларига ёрдам бериб, тингловчиларни мавзуга тааллуқли тушунча ёки аниқ фикрни эркин ва очик равишда кетма-кетлик билан узвий боғлаган ҳолда тармоқлашларига ўргатади.

Фикрларни тармоқлаш қуйидагича ташкил этилади:

1. Хаёлга келган ҳар қандай фикр бир сўз билан ифода этиб кетма-кет ёзилади.
2. Фикрлар тугамагунча ёзишда давом этавериш керак.
3. Иложи борича фикрларнинг кетма-кетлиги ва ўзаро боғлиқлигини кўпайтириш.

Намуна: “Композицион материаллар” мавзусига “Кластер” график органайзерини тузинг.

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна 1. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 0,5 балл (тест, қиёсий таҳлил, тушунча таҳлили учун) ёки 1 (амалий кўникма, кейс учун) баллгача баҳоланиши мумкин.



Тест

Икки ўлчамли тўлдирувчилар а) Майда заррачали қўшимчалар
б) Ленталар, матолар, матлар, тўрсимон элементлар
в) Бир ўлчамли қўшимчалар
г) Майда заррачали кум, металллар, фосфатлар



Қиёсий таҳлил

Дисперс мустаҳкамлаштирилган ва толали мустаҳкамлаштирилоган композитларни таққосланг.



2. Тушунча таҳлили

Никель ва алюминий асосида тайёрланган композитлар -



Амалий кўникма

Дисперс фаза кўрсаткичларини келтиринг ва уларнинг аниқлаш усулларини ифодалаб беринг.

Намуна 2: Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 0,5 балл (тест, қиёсий таҳлил, тушунча таҳлили учун) ёки 1 (амалий кўникма, кейс учун) баллгача баҳоланади.



Тест

1. Карбамид-формальдегид елимларининг ёғочга адгезияси юқорими?

- А. ҳа
- В. йўқ



Қиёсий таҳлил

Қутбли ва ион боғланишларни ўзаро таққосланг.



2. Тушунча таҳлили

Ион боғланиш бу – ...



Амалий кўникма

Ван-Дер-Вальс кучларини ёғоч-елим композициясида қандай ҳолатларда ҳосил бўлишини асослаб беринг.

Намуна 3.



Тест

Матрица, интерфейс

Нол-ўлчамли ва бир-ўлчамли
қўшимчалар

Композицион материалда
мустаҳкамлаштириш вазифасини
бажаради

Табий материаллар: суяк, дарахт
барги



Қиёсий таҳлил

Қутбли ва ион
боғланишларни ўзаро
таққосланг.



2. Тушунча таҳлили

Композицион материал бу -
...



Амалий кўникма

Толали мустаҳкамлаштирувчи
компонент кўрсаткичларини
келтиринг ва уларнинг
аниқлаш усулларини
ифодалаб беринг.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Кириш. Нанотехнологиянинг асосий тушунчалари

Режа:

- 1.1. Нанотехнологияларнинг ривожланиш тенденцияси.
- 1.2. Нанотехнологиялар тўғрисида умумий маълумот.
- 1.3. Нанообъект, наноматериал, нанотехнология тушунчаси.

Таянч иборалар: нанотехнология жараёнлари, наноматериаллар, углерод нанотрубкалари.

Кириш. Фаннинг предмет ва вазифалари.

Ушбу фан математик ва табиий-илмий ҳамда умумқасбий фанларга таянган холда наноматериалларнинг физик-кимёвий муаммоларини ҳал қилиш ва фан сифатида шаклланишини мустахкамлаш мақсадида: нанотехнологиянинг асосий тушунчалари, нанотехнологиянинг тадқиқот объектлари ва уларнинг синфланиши, нанотехнологиянинг ривожланиш босқичлари, нанообъектларнинг асосий турлари ва улар асосидаги нанотизимлар, углеродли нанотрубкалар, фуллеренлар, супрамолекуляр кимё, ноорганик наноматериаллар; наноструктураланган материалларнинг синтез усуллари, фундаментал асослари тўғрисидаги маълумотларни қамраб олади ва бу билимларни талабаларга етказиш фаннинг асосий мақсад ва вазифалари ҳисобланади.

“Наноматериаллар” фанини ўзлаштириш жараёнида:

- анизотизимнинг кристаллофизикаси, наноструктуралар ва уларнинг симметрик ифодаси;
- электронларнинг энергетик спектри квант ушлов структураларида квант нуқталар, толалар, юқори даражали панжаранинг аҳамияти;
- холлнинг квант эффекти ва квант ўлчов структуралари оптик хусусиятларининг моҳияти;
- наноқатламли композицияларни магнит хоссалари, конденсацияланган муҳитларда энергия ва зарядлар ўтказиш жараёнлари;
- наноструктуралашган материалларни физик кимеси, кичик ансамблли молекулалар, молекуларо ўзаро таъсири ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- нанозаррачаларни ўлчов ва функционал хоссалари;
- молекуляр динамика, конформация ва нанотизм симметрик тасвири;
- фазаларо чегараларни термодинамикаси ва кинетикаси, Кластер;
- мицеллалар ҳосил бўлиши, полимеризациялаш, матрица синтези, ўзарошаклланиш;

- наноматериаллар: золлар, геллар, суспензиялар, коллоид эритмалар, матрица-ажратилган кластерли юқори даражадаги структуралар, фуллеренлар, углеродли нанотрубкалар, полимерлар, юқори даражали панжаралар, биомембраналар;
- нанотизимларни электр ўтказувчи, иссиқлик ўтказувчи ва механик хоссалари.
- наноматериалларни махсус хоссалари, уларни физик-кимевий табиатлари боғлиқликлари, танловчанлиги, энергия хажмлиги ва электрон хотирасининг моҳиятини билиши ва улардан фойдалана олиши;
- нанокимевий компоненталар: катализаторлар, сорбентлар, реакторлар;
- наноқатламлар синтези услублари: атом-молекуляр эпитаксия, молекуляр ва кимевий конструкторлаш;
- Ленгмюр-Блоджетт молекуляр қатламлаш услуби, полианион молекуляр конструкторлаш;
- юқори даражада локалланган қопланиш, ажратиш ва моддаларни модификациялаш услублари;
- корпускуло-фотонли ва электрокимевий нанотехнологиялар, нанозондли локал синтез ва моддани ажратиш, материал юзасини модификациялаш кўникмаларига эга бўлиши керак.

1.1. Нанотехнологияларнинг ривожланиш тенденцияси

Нанотехнологияни ривожланиши қуйидагиларга боғлиқ ¹:

- Физика
- Кимё
- Биология
- АКТ
- Электротехника
- Машинасозлик

Нанотехнология генетика фанини ривожланишига катта тасир кўрсатди:

- нанотиббиёт
- нано капсула
- нано гель
- саратон касаллигини даволаш
- соғ бўлган катакларга зарар етказмасдан даволаш



Расм 1. Нанотехнологияларнинг ривожланиш тенденцияси².

Нано роботлар.

- Микроскопик масштабдаги машина ва роботларни яратиш ва улардан унумли фойдаланиш.

Нанотехнология ва коинот:

- коинот аппаратларни яхшилаш
- астронавтларга мухитни такомиллаштириш
- коинот саёхатларни арзонлаштириш
- нано ер йўлдошларини яратиш.

¹ Jeremy Ramsden Nanotechnology, Second Edition: An Introduction (Micro and Nano Technologies) 2nd Edition, Elsevier, 2011. 35.

²G.L.Horniyak, J.J. Moore, H.F.Tibbals, J. Dutta. Fundamentals of Nanotechnology.-CRC Press, Taylor and Francis, 2009, 24

Нано озикланиш:

- озикаларни музсиз сақлаш
- озик- овқатларни бактерия ва паразитлардан химоя қилиш
- енгил хазм бўладиган моддаларни яратиш

Нано ва мудофаа:

- кичик ўлчамли ва тезюарар электрон қурилмалар
- енгил, қувватли ускуналар
- сенсорларнинг янги авлодларини яратиш
- такомиллаштирилган қуроллар

Нано ва электроника (Расм 1-2):

- электрон қурилмалар экранларини замонавийлаштириш
- хотира микросхемаларини бир квадрат дюймдаги хажминги терабайтларга етказиш
- интеграл схемаларда ишлатиладиган ярим ўтказгичли асбобларнинг хажмини камайтириш




FIGURE 2.3 Proposed structures for three-dimensional NAND Flash Memory. (Data from International Technology Roadmap for Semiconductor [ITRS] <http://www.itrs.net>)

Расм 2. Учўлчамли NAND Flash хотираси учун тахминий тузилиши¹.

Нано ва АКТ:

- катодли нур трубкасини углерод нанотрубкаларига алмаштириш
- нанотехнологиялардан таъминотда унумли фойдаланиш

Нано ва энергетика:

- қуёш ва иссиқлик батареяларидан фойдаланиш;
- юқори ҳароратли ўтказгичларни ишлатиш
- гальваник элементлар ва аккумуляторларни, янги наноавлодини яратиш

¹ David Rickerby Nanotechnology for Sustainable Manufacturing, Taylor and Fransis, 2014, 21.





FIGURE 1.3
Flow chart to determine whether nanotechnology should be introduced into a product.

Расм 3. Нанотехнология махсулотга қўлланилиши мумкинлигини аниқлаш диаграммаси¹.

1) Р.Фейнман Нобель мукофоти лауреати. “Менинг фикримча, физика принциплари алоҳида атомлардан ўзининг шахсий манфаатлари йўлида фойдаланишни ман қилмайди”.1995 й.



Richard Phillips Feynman

2) 1996 й. Р.Янг пьезодвигателлар ғоясини таклиф қилди, ҳозирги кунда улар нанотехнология асбобларининг прецизион харакатланишини $0.01 \text{ \AA} = 10^{-10} \text{ м}$ аниқлик билан таъминлайди.

3) Норио Томигути биринчи марта “нанотехнология” атамасини 1974 йилда қўллади.

4) 1982-1985-йилларда немис профессори Г.Гляйтер қаттиқ жисмлар нанотузилмаси концепциясини таклиф этди.

5) 1985 йилда Роберт Керл, Харелд Крето, Ричард Смоллилардан иборат олимлар жамоаси фуллеренларни кашф қилди ва CNT (carbon nanotubes) назариясини яратди, улар 1991 йилда тажриба йўли билан олинди.


6) 1982-йилда Г.Бининг ва Т Рорер биринчи сканер қилувчи тунелли микроскоп (СТМ) яратдилар.

¹ Jeremy Ramsden Nanotechnology, Second Edition: An Introduction (Micro and Nano Technologies) 2nd Edition, Elsevier, 2011, 12

- 7) 1986-йилда сканер қилувчи атом –кучли микроскоп пайдо бўлди.
- 8) 1987-1988-йилларда алоҳида атомлардан ўзининг шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиш имконини берувчи биринчи нанотехнология қурилмаларининг ишлаш принциплари намойиш қилинди.

Э.Дрекслер-нанотехнологиялар ҳақидаги барча билимларни умумлаштирди, ўз-ўзини намоён қилувчи молекуляр роботлар концепциясини аниқлади, улар йиғиш ва ёйиш (декомпозиция)нинг амалга ошириши, маълумотни атомар даражада хотирага ёзиш ўз-ўзини намоён қилиш ва улардан фойдаланиш дастурларини сақлаши керак эди.

- 9) 1990-йилда СТМ ёрдамида IBM фирмаси билан биргаликда 3та харф чизилди. Улар Хе(35 атом) билан никел кристаллининг ясси грамида чизилди. (Расм 4)




Расм 4. IBM фирмасининг литографияси ¹

Мур қонуни: қурилманинг юза бирлигига ўрнаштирилган транзисторларнинг сони тахминан хар 18 ойда икки баробар кўпайишини назарда тутувчи ҳисоблаш қурилмаларидаги ўзоқмуддатли тренд.

Кридер қонуни: қаттиқ дисklarнинг хотира ҳажми деярли хар йили икки баробар кўпаяди.



¹ Guozhong Cao, Ying Wang Nanostructures and Nanomaterials: Synthesis, Properties, and Applications 2nd Edition, Imperial College Press, 302



Source: Image courtesy of the IBM Corporation. With permission.

Расм 5. Мур ва Кридер қонуни ¹ 23





Fig. 2.1 Generations of nanotechnology development (Roco 2011)

Расм 6. Нанотехнологиянинг ривожланиш тенденцияси² 1.2. Нанотехнологиялар тўғрисида умумий маълумот

Белгиланган хоссали наноматериаллар олишда илм-фан ва техника ютуқларини тадбиқ қилиш. Бир қатор нанообъектлар маълум ва улар анчадан бери қўлланади. Коллоидлар, майда дисперс кукунлар ингичка плёнкалар шулар жумласидан (Расм 7).

¹ G.L.Hornyak, J.J. Moore, H.F.Tibbals, J. Dutta. Fundamentals of Nanotechnology.-CRC Press, Taylor and Fransis, 2009, 12

² Said Salaheldeen Elnashaie, Firoozeh Danafar, Hassan Hashemipour Rafsanjani Nanotechnology for Chemical Engineers, Springer, 2015, 95.



Расм 7. Нанотехнологияларда онтология. Нано префикси (нанометрология, наноасбоб)¹

Ҳозирги кунга келиб хона ҳарорати шароитида юзада атомларнинг бирикиши ва ҳажмда атомларнинг турли комбинациялари ҳосил бўлишининг технологик усуллари ишлаб чиқилмоқда.

Углерод “nanotube”лар (наноайча, нанотрубкалари) CNT (carbon nanotubes):

- бу трубкалар молекуляр масштабдаги материалларга киради;
- таркибида графит углероди бўлиб ажойиб хоссаларга эга.

Хозирги кунда кумушнинг нанозаррачалари асосидаги кўп миқдордаги наноматериаллар ишлаб чиқарилган. Хозирда кумуш нанозаррачали тиш шеткалар ва тиш пасталари ишлаб чиқарилмоқда, улар турли хил инфекциялардан химоя қилади. Кумушнинг нанозаррачалари оз миқдорда косметика махсулотларига ҳам қўшилиб келинмоқда, уларнинг таъсирида яллиқланишнинг олди олинади ва яраларнинг битиши тезлашади. Кўпгина қаттиқ моддаларга (шиша, ёғоч, қоғоз, керамика, металлларнинг оксидлари ва бошқ.) суртилишидан сўнг ҳам нанозаррачалар узоқ вақт ўзининг бактерицид хусусиятларини сақлаб қолади. Бу ҳолат юқорисамарадор узоқ вақт таъсир этувчи дезинфекцияловчи аэрозолларни ишлаб чиқариш имкониятини беради. Агарда биноларнинг юзаларига суртиладиган лок-бўёқ махсулотларига кумушнинг нанозаррачалари қўшилса бу махсулотлар билан бўялган девор ва шипларда патоген микроорганизмларнинг яшаши мумкин бўлмайди. Сувни тозалаш филтрларидаги кўмирларга кумушнинг нанозаррачаларининг қўшилиши бундай филтрларнинг хизмат муддатини узайтиради ва тозаланаётган сувнинг биологик тозалиги ортади.

Нанозаррачалар нафақат фойда балки зарар ҳам етказишлари мумкин. Кумушнинг нанозаррачалари инъекция сифатида сичқонларнинг организмига киритилганида токсик таъсири кўрсатилган бўлиб, шу миқдордаги кумуш ионлари киритилганида эса ўлимга олиб келмаган.

Ўзбекистонда янги махсулотни “Policotton-patrokl” МЧЖ “SilverteX” савдо маркаси остида тақдим этади. Ассортиментда нанотехнологиялар қўлланилган ҳолда кумуш билан ишлов берилган – носкилар, ички кийимлар, ётоқ тўқимачилик махсулотлари. «SilverteX» носкилари тўлиқ маҳаллий хом ашёлардан ишлаб чиқарилган бўлиб синтетик махсулотларнинг миқдори минимал даражага келтирилган (8%гача). Кумуш билан махсус ишлов берилиши ёқимсиз хидни, терлашни, касаллик қўзғатувчи замбуруғларни ўсишини олдини олади.

Нима учун нанозаррачалар бактерицид тўқимачилик махсулотлари учун энг мақбул ҳисобланади?

Кейсни ечиш учун ахборотларнинг турларини ва қуйидаги саволларга жавобларни билиш зарур:

Хлорид кислотаси кумуш билан реакцияга киришадими?

Нима учун оддий кумуш хлорид кислотаси билан реакцияга киришмайди?


Нима учун кумуш нанозаррачалари хлорид кислотаси билан реакцияга киришади?

Кумушнинг Ag_5 нанозаррачалари ва хлорид кислотаси билан ўзаро таъсирлашув тенгламасини тузинг?

Кумуш нанозаррачаларининг қўлланилиши қанчалик даражада хавфсиз ҳисобланади?

Маълумки кумуш инсон организми учун энг кучли антисептик хисобланади, у 700 дан ортиқ қассалик қўзғатувчи микроорганизмларни, замбуруғларни, бактерияларни, вирусларни ўлдиради.

Аниқланганки нанозаррачалар юқори реакция хоссаларга эга бўлиб оддий моддалар реакцияга киришмайдиган жараёнларда қатнашиши мумкин. Оддий кумуш билан хлорид кислотаси реакцияга киришмайди. Бирок кумушнинг нанозаррачалари хлорид кислотаси билан реакцияга киришиб водороднинг ажралишига сабаб бўлади. Нанозаррачаларнинг бундай холати юза эффекти туфайли вужудга келади. Гап шундаки майда заррачада юзада жойлашган атомларнинг миқдорий қисми ортади. Бу атомларда узилган боғланишлар мавжуд бўлиб, улар нисбатан юқори энергия ва фаолликга эга бўлади.



Decreasing of ring to nanoscale leads to color change (left), depletion of metal to nanopieces leads to great surface active area

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1. Мустақил таълимни ташкил этиш шакли ва мазмуни.

Нанотехнология жараёнлари, физик-кимёвий асослари фанини ўрганувчи Олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар аудиторияда олган назарий билимларини мустахкамлаш ва технологиядаги амалий масалаларни ечишда кўникма ҳосил қилиш учун мустақил тизимига асосланиб, кафедра ўқитувчилари раҳбарлигида, мустақил иш бажарадилар. Бунда улар кўшимча адабиётларни ўрганиб ҳамда интернет сайтларидан фойдаланиб рефератлар ва илмий мақолалар тайёрлайдилар, амалий машғулот мавзусига доир уй вазифаларини бажарадилар, кўргазмали куроллар ва слайдлар тайёрлайдилар.

Мустақил таълимнинг асосий мақсади – ўқитувчининг раҳбарлиги ва назоратида муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш.

Мустақил ишини ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

- дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- компьютер технологиялари тизимлари билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича реферат ва конспектлар тайёрлаш;
- ўқув-илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган адабиётлар, монография ва илмий тўпламларни чуқур ўрганиш;
- масофавий таълимни ташкил этишда қатнашиш;
- макет, модел ва намуналар яратиш;
- илмий мақола, анжуманга маъруза тайёрлаш ва ҳ.к.

2. Мустақил таълим мавзулар

1. Нанообъектларнинг асосий турлари ва улар асосидаги тизимлар;
2. Углеродли нанотрубкалар ва фуллеренлар;
3. Наноструктураланган материалларни синтез қилиш усуллари;
4. Нанокристал кукунларнинг синтез қилиш усуллари;
5. Плазмакимёвий синтез қилиш усуллари;
6. Темплант синтез;
7. CVD ва PVD жараёнлар;
8. Молекулаларнинг симметрияси;
9. Кванткимёвий ҳисоблар;
10. Атом-кучланишлимикроскопия (AFM) ёки сканерловчи зонд микроскопияси (СЗМ);
11. Биомослашувчанлик ва нанокерамика;
12. Бакминстер - фуллеренлари;
13. Углеродли нанотрубка (CNT);
14. Буғ фазасидан кимёвий чўктириш (CVD);
15. ДНК-чиплар;
16. Электронмикроскоп;

- 17.Эпитаксия;
- 18.Суюк кристаллар (СК);
- 19.Молекуляр электроника;
- 20.Фотокатализ;
- 21.Фотонкристаллар;
- 22.Плазма;
- 23.Буғ фазасидан физикавий чўктириш (PVD);
- 24.Пиролиз;
- 25.Квант компьютерлар;
- 26.Квант нукталари;
- 27.Резонансли туннелланган қурилма (RTD);
- 28.Сканирловчи яқин худудли оптик микроскопия (SNOM);
- 29.Шакл хотирали полимерлар;
- 30.Золь-гельусул;
- 31.Сканирловчи туннелли микроскоп (СТМ);
- 32.Ўта эгилувчанлик ва нанотехнология;
- 33.Дориларни мақсадли етказиш;
- 34.Юпқапленкали транзисторлар (TFT);
- 35.Тўқимали инженерия;
- 36.Буғ-суюқлик-қаттиқ модда усули (VLS);
- 37.Вискерлар;
- 38.Рентгенфотоэлектрон спектроскопия (XPS);

VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Таянч сўз	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
1.	Аэрогел	Аэрогел: суюқлиги ютилган газ билан ўриналмашган гелдан олинган ғоваксимон қаттиқ чўкма	Aerogel: a porous solid formed from a gel in which the liquid is replaced with a gas with gas entrapment
2.	Атом-кучланишлимикроскопия (AFM) ёки сканерловчи зонд микроскопияси (СЗМ)	Атом-кучланишлимикроскопия (AFM) ёки сканерловчи зонд микроскопияси (СЗМ): атом кўрсатгичли юзадаги атомларнинг тасвирини ёки бошқа функционал хоссаларини тасвирлаш учун қўлланилувчи юқори кўрсатгичли қурилма	Atomic force microscopy (AFM) or scanning probe microscopy (SPM): a high-resolution device used to map topography or other functional properties of the surface atoms at atomic resolution capabilities
3.	Атом манипуляцияси	Атом манипуляцияси: атом-кучланишли микроскопия ва сканерловчи тунелли микроскоп каби илғор усуллар туфайли имконияти туғилган юзанинг тузилишини атом ортидан атом еки кимёвий модификациялаш	Atomic manipulation: atom by atom modification of surface structure or chemistry made possible by advanced techniques like atomic force microscope and scanning tunnelling microscope
4.	Таъқиқланган чегаранинг кенглиги	Таъқиқланган чегаранинг кенглиги: барча электрон энергетик ҳолатлар таъқиқланган қаттиқ жисмдаги валент чегара ва ўтказувчанлик чегараси орасидаги энергетик туйнук	Band gap: energy gap between the valence band and conduction band in a solid in which all electronic energy states are forbidden
5.	Биомослашувчанлик	Биомослашувчанлик:	Biocompatibility:

		нохуш ўзгаришларни чақирмай материалнинг биологик тизим билан таъсирлашувида ўз вазифаларини бажариши	capability of a material in contact with a biological system to perform its intended function without causing deleterious changes
6.	Биомиметика	Биомиметика: замонавий технологияларни қўллаш билан муҳандислик тизимларни тадқиқ қилиш ва лойиҳалаштириш учун табиий тизимларга ўхшаш, инженерия ёки тақлид қилиш тўғрисидаги фан	Biomimetic: the science of imitating or reverse engineering from natural systems to the study and design of engineered systems using modern technology
7.	Бот	Бот: робот ёки автоматлаштирилган интеллектуал машина	Bot: a robot or automated intelligent machine
8.	Тагдан-тепага	Тагдан-тепага: асосий бирликлари нанозаррачалар/нанотизимларни ҳосил қилиш билан бирлашадиган атом миқёсидаги асосий бирликларидан наноматериалларнинг синтез қилиш стратегияси	Bottom-up: a strategy for synthesizing nanomaterials from atomic scale fundamental units where the fundamental units link up to form nanoparticles/nano structures
9.	Бакминстер - фуллерен	Бакминстер - фуллерен: Ричард Бакминстер Фуллерен томонидан лойиҳалаштирилган геодезик гумбазга ўхшаши туфайли унинг шарафига номланган C60 формулани доирасимон молекула; Бакминстерфуллерен – фуллереннинг дастлабки	Buckminster fullerene: a spherical molecule with the formula C60, named in homage to Richard Buckminster Fuller, due to its resemblance to the geodesic dome designed by him;

		топилган молекуласи ҳисобланади, шу билан бирга курумда оз миқдорда топилиши мумкин бўлганлиги учун табиий ҳосил бўлиши нуқтаи назаридан энг кўп тарқалган ҳисобланади.	Buckminster fullerene is the first fullerene molecule to be discovered and is also the most common in terms of natural occurrence, as it can be found in small quantities in soot
10.	Заряд боғланишли қурилма (CCD)	Заряд боғланишли қурилма (CCD): зарядланган позицион-сезгир ахборотни йиға оладиган ва рақамли тасвирларни ишлатиш учун кенг қўлланиладиган манипуляциялар учун рақамли маълумотларга ўтказа оладиган қурилма	Charge-coupled device (CCD): a device that can gather position-sensitive charge information and convert to digital data for manipulation, which is used extensively for digital imaging applications
11.	Комплементарметалоксидли ярим ўтказгич (CMOS)	Комплементар металоксидли ярим ўтказгич (CMOS): интеграл схемалар (ICs) ва ўта катта интеграл схемаларни (VLSI) ясаш учун янги технология, асосий афзалликлари кам энергия сарф қилиши ва юқори шовқин даражасида бўлиб бу ўз навбатида юза бирлиги доирасида қурилмаларнинг юқори зичлигини таъминлайди	Complementary metal–oxide semiconductor (CMOS): an emerging technology for the fabrication of ICs and VLSI, the main advantage being low power consumption and high noise, enabling larger density of devices within unit area
12.	Углеродли нанотрубка (CNT)	Углеродли нанотрубка (CNT): тасвир форматининг юқори ўзгартирилиб туришли цилиндрсимон	Carbon nanotube (CNT): an allotrope of carbon with cylindrical nanostructure and

		наноструктурали углероднинг аллотропик шакли; уларнинг ўзгача бўлган электрон ва магнит хоссалари кенг қўлланилади.	having high aspect ratios; their unusual electronic and magnetic properties find wide applications
13.	Коллоид	Коллоид: ўзлуксиз мухитдаги дисперсияланган модданинг бир турдаги суспензияси; қаттиқ, суюқ ёки газсимон бўлиши мумкин.	Colloid: a homogenous suspension of a dispersoid in a continuous medium; it may be a solid, liquid or gas
14.	Буғ фазасидан кимёвий чўктириш (CVD)	Буғ фазасидан кимёвий чўктириш (CVD): газсимон реагентларнинг қўлланилиши билан юпка пленкаларнинг тагликда чўктириш услуби	Chemical vapour deposition (CVD): a technique for depositing thin films on a substrate using gaseous reactants
15.	Холилаштирилганхудуд	Холилаштирилганхудуд: зарядларни эркин ташувчиларидан холи бўлган яримўтказгич материалларнинг бирлашиш жойи	Depletion zone: a region at the junction of semiconducting materials that is devoid of free charge carriers
16.	Дислокация	Дислокация: кристаллографический линейный дефект, включающий нерегулярность периодического расположения атомов (отсутствие ряда атомов в плоскости) в кристалле	Dislocation: a crystallographic line defect involving irregularity in the periodic arrangement of atoms (missing row of atoms in a plane) in a crystal
17.	ДНК-чип	ДНК-чип: гендаги мутацияларни ёки ўзгаришларни идентификациялаш учун қўлланиладиган яримўтказгичли микрочип асосидаги	DNA chip: a sensor based on a semiconductor microchip used to identify mutations or alterations in a gene

		датчик	
18.	Тенг каналли бурчакли пресслаш(ЕСАР)	Тенг каналли бурчакли пресслаш(ЕСАР): шакл ва ўлчамларини ўзгартиришсиз катта микдордаги деформацион силжишни киритувчи ултрадисперс тузилишли заррачаларни ишлаб чиқариш учун пластик деформациянинг оғир техникаси; экструзия иштирокидаги ўхшаш жараённи намоён қилувчи тенг каналли бурчак экструзияси (ЕСАЕ)	Equal channel angular pressing (ECAP): a severe plastic deformation technique for producing ultrafine grain structures, which introduces a large amount of shear strain into the materials without changing its shape or dimensions; equichannel angular extrusion (ECAE) is a similar process involving extrusion
19.	Электрон микроскоп	Электрон микроскоп: тезлаштирилган электронларнинг коллимирилган дастасини намунага фокуслаб атом ўлчамидаги катталаштирилган тасвирни олиш учун қўлланиладиган микроскоп	Electron microscope: a microscope that focusses a collimated accelerated electron beam on the specimen to produce a magnified image at atomic resolution
20.	Электрон бурун	Электрон бурун: хид еки таъмларни аниқлаш учун бир неча кимёвий сенсорлардан ташкил топган қурилма	Electronic nose: a device consisting of an array of chemical sensors to detect odours or flavours
21.	Электрон тил	Электрон тил: таъмларни аниқлаш ва таққослаш учун бир неча кимёвий датчиклардан ташкил топган қурилма	Electronic tongue: a device consisting of an array of chemical sensors to detect and compare tastes
22.	Эпитаксия	Эпитаксия: асосий	Epitaxy: growth of

		таглик билан кристаллографик тартибни (когерентликни) таъминлаш учун иккиламчи фазанинг ўсиши	a secondary phase maintaining a perfect crystallographic registry (coherency) with the underlying substrate
23.	Fab	Fab: интеграл схемалар ва ва яримўтказгичли асбобларни ишлаб чиқариш учун назорат қилинувчи чўктириш жараёнлари ва тоза хоналардан ташкил топган микротехнологик объект	Fab: a microfabrication facility consisting of clean rooms and controlled deposition process for the fabrication of semiconductor devices and ICs
24.	Майдон эффектлитранзистор (FET)	Майдон эффектлитранзистор (FET): электр майдони ёрдамида ўтказувчанлигини бошқариш мумкин бўлган транзистор	Field effect transistor (FET): a transistor whose conductivity can be controlled by electrical field
25.	Ёқилғиэлементи	Ёқилғи элементи: ташқи манба ёқилғиси ёки реагенти асосида электр энергиясини ишлаб чиқариш имкониятига эга электрохимёвий ячейка	Fuel cell: an electrochemical cell capable of producing electrical energy with fuel or reactant being used up from an external source
26.	Гигантмагнит қаршилиги (GMR)	Гигантмагнит қаршилиги (GMR): юпқа пленкали структураларда кузатиладиган квант-механик эффект: ферромагнит каватнинг магнит майдони таъсирига учраганда электр қаршилиги сезиларли даражада камаяди	Giant magnetoresistance (GMR): quantum mechanical effect observed in thin film structures: the electrical resistance decreases significantly when the ferromagnetic layer is exposed to a magnetic field
27.	Заррачаларнинг	Заррачаларнинг	Grain boundary:

	чегараси	чегараси: 2D-дефект, аниқ аниқланган иккита чегараланувчи кристалларнинг интерфейси	a 2D defect, the interface bordering two well-defined crystals
28.	Заррачалар чегарасининг миграцияси	Заррачалар чегарасининг миграцияси: термик ёки механик кучланиш йўли ёрдамида фаоллаштирилган заррачалар чегараларининг келишилган харакати	Grain boundary migration: coordinated movement of grain boundaries activated either thermally or by mechanical stress
29.	Холл-Петч қонуни	Холл-Петч қонуни: асосан чегарадаги заррачанинг мустахкамлашуви хисобига хосил бўлувчи кристалсимон модданинг каттиклигига заррачаларнинг ўлчамини тескари таъсирини тавсифловчи эффекти	Hall–Petch relation: the effect describing the inverse effect of grain size on the hardness of a crystalline solid that arises mainly due to grain boundary strengthening
30.	Иссик изостатик преслаш (HIPing)	Иссик изостатик преслаш (HIPing): майин заррачаларни яхлит қисмларга сиқиш учун юқори гидростатик босим ва хароратни қўллаш жараёни	Hot isostatic pressing (HIPing): the process of using high hydrostatic pressure and temperature to compress fine particles into coherent parts
31.	Кридер қонуни	Кридер қонуни: каттик дискларнинг хотира хажми деярли хар йили икки баробар кўпаяди	Kryder’s law: the memory storage capacity of hard drives doubles almost every year
32.	Светодиод (LED)	Светодиод (LED): электролюминесценция принципага асосан ишловчи яримўтказгичли нур манбаи, нурланувчи	Light-emitting diode (LED): a semiconductor light source working on the

		ёруғликнинг тўлқин узунлиги яримўтказгичларнинг таъқиқланган худуди кенглигига боғлиқ	principle of electroluminescence, where the wavelength of light emitted depends on the band gap of semiconductors
33.	Суюқкристал (СК)	Суюқ кристал (СК): суюқлик ва қаттиқ кристалсимон модда хоссалари оралиғидаги материя; суюқ кристалли дисплейларда кенг қўлланилади	Liquid crystal (LC): a state of matter with properties between a liquid and solid crystal; it is used extensively in liquid crystal displays
34.	Магиксон	Магиксон: анчагина юқори бўлган структуравий ва потенциал турғунликни таъминловчи кластердаги атомларнинг критик сони	Magic number: a critical number of atoms in a cluster size providing it higher structural and potential stability
35.	Механикқотишмалаш	Механик қотишмалаш: юқори энергияли шарли тегирмонда заррачаларнинг қайта деформацияланиши ва ёриқлари натижасида майдаланиши, кукунларнинг заррачалари совук пайванланадиган қаттиқ жисмдаги жараён	Mechanical alloying: a solid state process in which grain refinement occurs by repeated deformation, fracturing and cold welding of powder particles in a high-energy ball mill
36.	Суюқланиш хароратининг осцилляцияси	Суюқланиш хароратининг осцилляцияси: заррачаланинг ўлчами ассосий массадан субнанометргача камайиб микдорининг ошиши натижасидаги суюқланиш хароратини бостириш ходисаси	Melting point oscillation: the phenomenon of suppression of melting point followed by elevation as the particle size is reduced from bulk to sub-nanometre

			size
37.	Микроэлектромеханик системалар(MEMS)	Микроэлектромеханик системалар (MEMS): электр энергияси билан бошқариладиган микрорамермеханик тизим; механик курилмаларнинг ўлчамлари нанометрик диапазонга яқинлашганда уларни наноэлектромеханик тизимлар деб аташади (NEMS)	Microelectromechanical systems (MEMS): a microdimensional mechanical system driven by electrical energy; when the dimensions of the mechanical devices approach nanometric range they are termed nanoelectromechanical systems (NEMS)
38.	Мезоғовакли	Мезоғовакли: бир меъёردа бер текис жойлашган мезоғовакли (диаметри 2-50 нм) ғоваксимон материаллар; юза сиртининг катталиги уларни адсорбент еки катализаторлар сифатида фойдали қилади	Mesoporous: porous materials with regularly arranged, uniform mesopores (2–50 nm in diameter); their large surface areas make them useful as adsorbents or catalysts
39.	Микрокантилевер	Микрокантилевер: микрометр миқёсидаги ўлчамли кантилеверли нур, MEMS соҳасида, датчикларда, резонаторларда ва ҳкз кенг қўлланилади	Microcantilever: a cantilever beam with dimensions in the micrometer scale that is extensively used in the field of MEMS, sensors, resonators, etc.
40.	Молекуляр электроника	Молекуляр электроника: электрон курилмаларда қўлланилиши учун молекулаларнинг тадқиқи ва қўлланилиши	Molecular electronics: the study and application of molecules for electronic device applications
41.	Мур қонуни	Мур	Moore's law: a

		қонуни: қурилманинг юза бирлигига ўрнаштирилган транзисторларнинг сони тахминан ҳар 18 ойда икки баробар кўпайишини назарда тутувчи ҳисоблаш қурилмаларидаги ўзоқмуддатли тренд	long-term trend in computing hardware suggesting that the number of transistors built in a unit area of the device approximately doubles every 18 months
42.	Мултиплет иккиламчи заррачалар (МТР)	Мултиплет иккиламчи заррачалар (МТР): олмос (C, Si, Ge) ва қотишмалар типидagi яримўтказгичлардан, кубсимон ёқларимарказлаштирилган металллардан олинган юпқа пленкалар (кристалл тагликларда чўктирилган) ва нанокристалл заррачалардаги бешинчи тартибли псевдосимметриянинг кузатилиши	Multiply twinned particles (MTP): observed frequently with a pseudo five-fold symmetry in nanocrystalline particles and thin films (deposited on crystalline substrates) of cubic face-centred metals, diamond-type semiconductors (C, Si, Ge) and alloys
43.	Мултиқаватлар	Мултиқаватлар: бир-бирига жойлаштирилган турли хил кимёвий таркибли ёки структурали юпқа пленкалар	Multilayers: thin films of differing chemistry or structure deposited one over the other
44.	Нано	Нано: карликни ёки бирон-бир кичик нарсани билдирувчи грекча олди кўшимчаси, бир миллиарддан бир қисмини билдиради (10^{-9})	Nano: Greek prefix meaning dwarf or something very small; depicts one billionth (10^{-9}) of a unit
45.	Нанобот	Нанобот: нанометрли ўлчамлардан ташкил топган компонентли робот (ярим ёки тўлиқ автоматлаштирилган интеграл машина); улар	Nanobots: a robot (semi- or fully-automated intelligent machine) consisting of

		нанороботлар, наноидлар, нанитлар, наномашиналар ёки наномитлар номлари билан ҳам учрайди	components of a few hundred nanometre- dimensions; they are also referred to as nanorobots, nanoids, nanites, nanomachines or nanomites
46.	Нанотолалар	Нанотолалар: 100 нм дан кичик бўлган диаметрли толалар	Nanofibre: fibres with diameter less than 100 nm
47.	Нанодисперсия	Нанодисперсия: металла р, керамик, углеродли нанотрубкалар ва хкз нанозаррачаларнинг коллоид суспензияси	Nanofluid: colloidal suspension of nanoparticles of metals, ceramic, carbon nanotubes, etc.
48.	Наноиндентификация лаш	Наноиндентификациял аш: наноўлчамли хажмларга қўлланилувчи босишдаги қаттиқлик тести, кичик босимларда алохида нанозаррачаларнинг қаттиқлигини аниқлаш учун	Nanoindentation: an indentation hardness test applied to nanoscale volumes at small loads to obtain the hardness of individual nanoparticles
49.	Нанолитография	Нанолитография: наноў лчамли деталларни шакллаш учун нано ишлаб чиқариш техникаси; интеграл схемалар ва NEMSлар ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади	Nanolithography: a nanofabrication technique for patterning nanoscale features; used extensively in the fabrication of ICs and NEMS
50.	Наноматериал	Наноматериал: бирон бир ўзгариши нано даражада (<100 нм) бўлган материалларнинг синфи	Nanomaterial: class of materials in which at least one of the dimensions is on the nanoscale (<100 nm)
51.	Наностержнлар	Наностержнлар: ёқларин	Nanorods: 3D

		инг нисбати 3-5 диапазонида бўлган 3Днаноструктуралар; уларнинг барча ўлчамлари 1-100 нм диапазонида бўлади	nanostructures with aspect ratio typically in the range of 3–5; all their dimensions are in the range 1–100 nm
52.	Наноқобиклар	Наноқобиклар: диаметри бир неча ўнликдаги нанометрда бўлган объект ядроси устидаги юпка қобик	Nanoshells: a thin coating over a core object a few tens of nanometres in diameter
53.	Нанотехнологиялар	Нанотехнологиялар: ато м ва молекула даражасида моддаларнинг устидаги манипуляциялар; одатда 1 дан 100 нанометргача бўлган ўлчамдаги структуралар билан ишланади, ҳамда бир кўрсаткичи шу ўлчамларда бўлган материалларни ёки қурилмаларни ишлаб чиқишни ўз ичига олади	Nanotechnology: study of manipulating matter on an atomic and molecular scale; generally deals with structures sized between 1 and 100 nanometres in at least one dimension, and involves developing materials or devices possessing at least one dimension within that size
54.	Наносимлар	Наносимлар: нанометр ўлчамли кенгликдаги ва геометрик ўлчамларининг нисбати 1000 ва ундан юқори бўлган 1Днаноструктуралар	Nanowires: 1D nanostructures with width of nanometric dimensions and exhibiting aspect ratios of 1000 or more
55.	Наноэлектромеханичес кие системы (NEMS)	Наноэлектромеханичес кие системы (NEMS): см MEMS	Nanoelectromech anical systems (NEMS): refer MEMS
56.	Оптоэлектроника	Оптоэлектроника: элект	Opto-electronics:

		рон қурилмалардани электромагнит фотонларнинг қўлланилиши; “электр сигнални оптик сигналга” ёки “оптик сигнални электр сигналга” ўтказувчи ўзгартгичлар бўлиши мумкин	an application of electromagnetic photons for electronic device applications; they can be either electrical-to-optical or optical-to-electrical transducers
57.	Фотокатализ	Фотокатализ: катализатор иштирокида фотонлар оқимини қўллаш билан кимёвий реакция тезлигини тезлаштириш феномени	Photocatalysis: phenomenon of accelerating a chemical reaction rate using a photon beam in the presence of a catalyst
58.	Фотолюминесценция (PL)	Фотолюминесценция (PL): баъзи бир моддаларнинг маълум бир тўлқин узунликдаги электромагнит нурларни ютиб ва қайтадан фотонларни турли хил тўлқин узунликда нурлатувчи жараён	Photoluminescence (PL): a process by which certain substances absorb electromagnetic radiations of specific wavelengths and re-radiate photons of different wavelength
59.	Фотонкристаллар	Фотонкристаллар: электромагнит тўлқинларни тарқатилишига таъсир этишга мўлжалланган даврий диэлектрик ёки металл диэлектрик оптик наноструктуралар	Photonic crystals: periodic dielectric or metallo-dielectric optical nanostructures that are designed to affect the propagation of electromagnetic waves (EM) in the same way as the periodic potential in a semiconductor crystal affects electron motion by

			defining allowed and forbidden electronic energy bands
60.	Фотоника	Фотоника: маълумотларни бошқаришда электронлар ўрнига еруғликни (фотонларни) қўлловчи электроника	Photonics: electronics using light (photons) instead of electrons to manage data
61.	Пьезорезистив эффект	Пьезорезистив эффект: ташқаридан механик босим таъсирига боғлиқ равишда материалнинг электр қаршилигининг ўзгариш ходисаси	Piezoresistive effect: phenomenon by which electrical resistance of a material varies with externally applied mechanical pressure
62.	Плазма	Плазма: ионлашган модданинг анчагина катта фракциясини ўзида сақловчи модданинг ҳолати; плазманинг хоссалари қаттиқ моддалардан, суюқликлардан ёки газлардан тубдан фарқ қилади	Plasma: a state of matter containing a significantly large fraction of ionized matter; plasma properties differ significantly from those of solids, liquids or gases
63.	Буғ фазасидан физикавий чўктириш (PVD)	Буғ фазасидан физикавий чўктириш (PVD): тагликда юпқа пленкаларни олиш учун атомларни мўлжал материалдан бўғлатиш иштирокида вакуум чўктиришнинг турли технологиялари	Physical vapour deposition (PVD): a variety of vacuum deposition technique involving vaporization of atoms from target material to produce a thin film on a substrate
64.	Пиролиз	Пиролиз: аланга (<i>pyr</i>) остида ажратишни (<i>lysis</i>) англатувчи грекча сўз; кислород иштирокисиз юқори хароратларда органик моддани	Pyrolysis: Greek word denoting separation (<i>lysis</i>) under fire (<i>pyr</i>); a thermochemical method involving

		парчалашни ўз ичига олувчи термохимёвий усул	decomposition of organic material at elevated temperatures in the absence of oxygen
65.	Кванткомпютерлар	Кванткомпютерлар: кир иш маълумотларидаги операцияларда квант-механик ходисаларини қўлловчи ҳисоблаш асбоблари	Quantum computers: a computational device using quantum mechanical phenomena for operations on input data
66.	Квантнуқталари	Квантнуқталари: электронларнинг энергия ҳолатлари барча учта кенглик ўлчамларида аниқланадиган 0D наноструктуралар; уларнинг электрон хоссалари кластерлар ва яримўтказгичлар орасида бўлади	Quantum dots: 0D nanostructures in which electron energy states are confined in all three spatial dimensions; their electronic properties are between that of clusters and bulk semiconductors
67.	Кубит	Кубит: ҳисоблашлардаги битнинг квант эквиваленти; атомларнинг квант хоссаларини ўлчаш қўшимчаси билан	Qubit: a quantum-computing equivalent to a bit; with an additional dimension of quantum properties of atoms
68.	Резонансли туннелланган қурилма (RTD)	Резонансли туннелланган қурилма (RTD): электронларни фақатгина икки йўналишда ушлаб қолувчи узун ва қисқа яримўтказгичли оролчалардан ташкил топган 2D квант ускуналари	Resonant tunnelling devices (RTD): 2D quantum devices that consist of a long and narrow semiconductor island, with electron confinement only in two directions

69.	Резонанс-туннелли транзисторлар (RTT)	Резонанс-туннелли транзисторлар (RTT): RTD га қара	Resonant tunnelling transistors (RTT): see RTD
70.	Сканирловчи яқинхудудли оптикмикрокопия(SNOM)	Сканирловчи яқинхудудли оптикмикрокопия(SNOM): намунани ишлатилаётган нурнинг тўлқин узунлигидан кичик бўлган ўлчамдаги тирқиш орқали ёритади, намунани яқинхудудли манба режими доирасида жойлаштирилади; оддий объектив ёрдамида намунадаги диафрагманинг сканерлаш йўли билан тасвир шаклланиши мумкин бўлади	Scanning near-field optical microscopy (SNOM): illuminates a specimen through an aperture of a size smaller than the wavelength of light used and with the specimen positioned within the near-field regime of the source; by scanning the aperture across the sample through a conventional objective, an image can be formed
71.	Ўз-ўзини йиғиш	Ўз-ўзини йиғиш: бирор бир ташқи куч таъсирисиз бир теккис ёки ташкиллаштирилган тузилиш ҳосил қилиш учун компонентларнинг ўз ичида ўзаро таъсирлашув жараёни	Self-assembly: process in which the components interact within themselves to form aligned or organized structures without any external force
72.	Шакл хотирали полимерлар	Шакл хотирали полимерлар: хароратнинг ўзгариши каби ташқи кучлар таъсирида вужудга келган ташқи кучлар таъсирида деформациядан сўнг ўзининг дастлабки шаклига қайтиш қобилиятига эга ақлли	Shape memory polymers: smart polymers capable of returning to their original shape after being deformed by external forces, when triggered by an external stimulus such as

		полимерлар	temperature change
73.	Бирэлектронли транзистор (SET)	Бирэлектронли транзистор (SET): чиқувчи заряднинг жуда кичик ўзгаришларини аниқлаш қобилиятига эга мосламалар; биргина электрон учун ҳам зарядлар фарқи “ёқий-ўчириш” функциясини қақриши мумкин	Single electron transistor (SET): devices that are capable of detecting very small variations in the charge of the gate; charge differences of even one electron can cause the on-and-off switching function of SET
74.	Золь-гельусул	Золь-гельусул: кейинчалик қовушқоқ гел ва қаттиқ материалга ўтувчи коллоид суспензияни (“зол”) генерациялашни ўз ичига олуи жараён	Sol-gel method: a process that involves the generation of a colloidal suspension (‘sol’), which is subsequently converted to viscous gel and solid material
75.	Спинтроника (спин асосидаги электроника)	Спинтроника (спин асосидаги электроника): электронларнинг иккиланган хоссаларини, жумладан заряд ва спин ҳолатини қўлловчи янги технология; магнито-электроника сифатида ҳам маълум	Spintronics (spin-based electronics): an emerging technology, which exploits the dual property of electrons, namely charge and spin state; also known as magneto-electronics
76.	Учқунли плазмали пишириш (SPS)	Учқунли плазмали пишириш (SPS): графит матрицаси шунингдек ўтказувчан намуналар ҳолатида пишириладган қуқундан бевиста ўтаётган доимий импульс токи қўлланилишидаги	Spark plasma sintering (SPS): a sintering technique using pulsed DC current that directly passes through the graphite die, as well as the powder

		пишириш техникаси	to be consolidated, in case of conductive samples
77.	Ўтаўказувчан квантинтерферометр (SQUID)	Ўтаўказувчан квантинтерферометр (SQUID): ўта кучсиз магнит майдонларини ўлчаш имкониятига эга мослама	Superconducting quantum interference device (SQUID): a device capable of measuring extremely weak magnetic fields
78.	Жойлашиш дефектлари	Жойлашиш дефектлари: атомларнинг нотўғри кетма-кет планар жойлашуви натижасида ҳосил бўлувчи кристаллографик дефектлар	Stacking faults: crystallographic defects arising due to wrong stacking sequence of planar arrangement of atoms
79.	Сканирловчи туннелли микроскоп (СТМ)	Сканирловчи туннелли микроскоп (СТМ): атом даражасида юзаларнинг тасвирларини қайта ишлашда цўлланиладиган қурилма; квант тунеллаш қоидаси асосида ишлайди	Scanning tunnelling microscope (STM): an instrument used for imaging surfaces at the atomic level; it works on the principle of quantum tunnelling
80.	Ўта эгилувчанлик	Ўта эгилувчанлик: чўзилувчанликка бўлган тадқиқотларда кутилаётган нормаларнинг чегараларидан анча катта бўлган материалнинг деформацияланиш қобилияти	Superplasticity: ability to deform a material well beyond the limits expected from normal tensile tests
81.	Юзаплазмон (SP)	Юзаплазмон (SP): ёруғлик билан кучли таъсирлашиш натижасида поляритонга	Surface plasmon (SP): plasmons that are confined to surfaces and

		олиб келувчи юзага мос келувчи плазмонлар	interact strongly with light resulting in a polariton
82.	Дориларни мақсадли етказиш	Дориларни мақсадли етказиш: терапияда локаллашган зарарланган хужайраларга/тўқималарга керак бўлган миқдорда фармацевтик бирикмани киритиш	Targeted drug delivery: administration of a pharmaceutical compound in desired amount to a localized diseased cell/tissue for therapy
83.	Юпқа пленкали транзисторлар (TFT)	Юпқапленкали транзисторлар (TFT): яримўтказгичли ва диэлектрик материалли юпқа пленка қаватли транзисторлар; радиографиянинг LCD ва рақамли иловаларида қўлланилади	Thin film transistors (TFT): an FET made of thin film layers of semiconducting and dielectric materials; used in LCD and digital radiography applications
84.	Юпқа пленкалар	Юпқа пленкалар: атомар конструкцияланган қаватлар нанометрдан максимум бир неча микронгача бўлган диапазонда бўлган калинликдаги пленкалар	Thin films: atomically engineered layers with film thickness usually in the range of nanometers to a maximum of a few microns
85.	Тўқимали инженерия	Тўқимали инженерия: сут эмизувчиларнинг асосий тўқималарининг тузилиши ва функционал асослари ҳамда функцияларини тиклаш, қўллаб туриш ёки яхшилаш учун биомослашувчан ўрнини босувчиларнинг қўлланилиши тўғрисидаги фан	Tissue engineering: science of structural and functional fundamentals of mammalian tissues and application of biocompatible substitutes to restore, maintain or improve functions

86.	Төпадан пастга	Төпадан пастга: нанокристалл материални олиш билан микрокристалл модданинг майдалашни ўз ичига олади; наноструктураларни синтез қилишнинг қаттиқ моддали йўллари шу категорияга киради	Top-down: involves fragmentation of a microcrystalline material to yield a nanocrystalline material; all solid state synthesis routes of nanostructures fall into this category
87.	Учкаррали тугун	Учкаррали тугун: учта кристалларнинг еки зарраларнинг тўқнашувидаги тугун	Triple junction: a node at the intersection of three crystals or grains
88.	Буғ-суюқлик-қаттиқ модда усули (VLS)	Буғ-суюқлик-қаттиқ модда усули (VLS): буғ фазасидан кимёвий чўктиришдаги наносимлар каби бирўлчамли наноструктураларнинг ўсиши учун механизм; кристалларнинг ўсиши ва кинетикаси самарадорлигини ошиши учун қўлланилади, каталитик суяққотишмали фаза буғларни ўтатўйинганлик даражасигача тезда адсорбциялаши мумкин	Vapour-liquid-solid method (VLS): a mechanism for the growth of one-dimensional nanostructures, such as nanowires, from chemical vapour deposition; to enhance the efficiency and kinetics for the growth of crystals, a catalytic liquid alloy phase which can rapidly adsorb a vapour to supersaturation levels is used
89.	Вискерлар	Вискерлар: эркин дислокацияланадиган кристаллнинг нозик толали ўсиши	Whiskers: thin fibrous growth of a dislocation free crystal
90.	Рентгенфотоелектрон спектроскопия (XPS)	Рентгенфотоелектрон спектроскопия (XPS): кимёвий модданинг юзасини микдорий анализ қилиш	X-ray photoelectron spectroscopy (XPS): a quantitative surface

		<p>услуги, элемент таркибини аниқлайди; Усул, рентген нурлари билан қаттиқ модданинг нурлаш ёрдамида олинган фотоэлектронларнинг тавсифини ўз ичига олади</p>	<p>chemical analysis technique that measures the elemental composition; the technique involves characterization of photoelectrons produced by irradiating a solid material with x-rays</p>
--	--	---	--

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Махсус адабиётлар

1. Jeremy Ramsden Nanotechnology, Second Edition: An Introduction (Micro and Nano Technologies) 2nd Edition, Elsevier, 2011, 272 p.
2. Guozhong Cao, Ying Wang Nanostructures and Nanomaterials: Synthesis, Properties, and Applications 2nd Edition, Imperial College Press, 2010, 596 p.
3. David Rickerby Nanotechnology for Sustainable Manufacturing, Taylor and Francis, 2014, 283 p.
1. Пул Ч., Оуэнс Ф. Мир материалов и технологий. – М.: Техносфера, 2004. – 265 с.
2. Charles P. Poole, Frank J. Owens Introduction to Nanotechnology, John Wiley and Sons, 2003, 388 p.
3. Linda Williams, Wade Adams, Nanotechnology Demystified, McGraw-Hill, 2007, 343 p.
4. Л. Уильямс, В.Адамс. Нанотехнологии без тайн, McGraw-Hill, 364 с.
5. Кобаяси Н. Введение в нанотехнологию: Учебное пособие (пер. с японского). – М.: БИНОМ Лаборатория знаний, 2005. – 374 с.
6. Said Salaheldeen Elnashaie, Firoozeh Danafar, Hassan Hashemipour Rafsanjani Nanotechnology for Chemical Engineers, Springer, 2015, 278 p.
7. Нанотехнология в ближайшем десятилетии. Прогноз направления исследований. Под ред. М.К. Роко, Р.С. Уильямса и П. Аливисатоса, Москва, 2002.
8. П. Харрис. Углеродные нанотрубы и родственные структуры, Москва, 2003.
9. Нанотехнологии-Азбука для всех. Под ред. Ю. А. Третьякова, М. Физматлит, 2008, 368 с.
10. Т. Pradeep Nano: the essentials. Understanding Nanoscience and Nanotechnology. McGraw-Hill, 2007.-432 p.
11. Словарь нанотехнологических и связанных с нанотехнологиями терминов/Под ред. С.В. Калюжного.-М.: Физматлит, 2010.-528 с.

Интернет сайтлари

1. <http://ziyonet.uz/>
2. <http://www.sciencedirect.com/>
3. <http://www.chem.msu.su/>
4. <http://www.uz/>